



О‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi  
Farmatsevtika tarmog‘ini rivojlantirish agentligi direktorining  
**BUYRUG‘I**

2022-yil « 27 » aprel

43 -sonli

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини  
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузурида  
аккредитация қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ва “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини давлат ҳокимияти органлари ҳузурида аккредитация қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2006 йил 23 ноябрдаги 243-сон қарорига мувофиқ, шунингдек Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятининг ўз вақтида ва холисона ёритилишини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) ҳузурида аккредитация қилиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага, Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларининг Агентлик ҳузурида аккредитация қилиш бўйича буюртманомалари ва тақдим этилган ҳужжатларини ўрганиш бўйича эксперт гуруҳи 2-иловага, Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузурида аккредитация қилиш тартиби тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Аккредитация комиссияси (Т.Рахметов) ва Эксперт гуруҳи (Қ.Бегматова) томонидан Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари мухбирларини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 23 ноябрдаги 243-сон қарори талаблари асосида ўз вақтида аккредитация қилиниши йўлга қўйилсин.



қарори талаблари асосида ўз вақтида аккредитация қилиниши йўлга қўйилсин.

3. Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (Қ.Бегматова) - Агентлик ҳузурида аккредитация қилинган оммавий ахборот воситалари вакилларининг Агентлик фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланишлари таъминлансин.

4. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (К.Тошов) - Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларининг Агентлик ҳузурида аккредитациядан ўтган вакиллари учун гувоҳномаларни Аккредитация комиссияси сўрови асосида чоп этилишига белгиланган тартибда маблағ ажратилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Директор**

**С.Кариев**

**Буйруқ лойиҳасини киритувчи:**

Ахборот сиёсати масалалари бўйича  
директорнинг маслаҳатчиси



Қ.Бегматова

**Келишилди:**

Директорнинг биринчи ўринбосари



У.Эгамов

Директор ўринбосари



Ж.Эшмурадов

Комплаенс, молиявий назорат  
ва ички аудит хизмати бошлиғи



Ж.Уразов

Бухгалтерия ҳисоби  
ва ҳисоботи бошқармаси



К.Тошов

Ташкилий-назорат ва  
таҳлил бошқармаси бошлиғи




Ш.Холматов

Кадрлар бўйича бош мутахассис



Т.Рахметов

Бош юрисконсулт



Ш.Ходжаев



Фармацевтика тармоғини  
ривожлантириш агентлигининг  
2022 йил “27” апрелдаги  
“43” сон буйруғига 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини  
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузурида  
аккредитация қилиш бўйича комиссия  
ТАРКИБИ**

**Комиссия раиси:**

Кадрлар бўйича бош мутахассис

Т.Рахметов

**Комиссия раиси ўринбосари:**

Ахборот сиёсати масалалари бўйича  
директорнинг маслаҳатчиси

Қ.Бегматова

**Комиссия аъзолари:**

Комплаенс, молиявий назорат  
ва ички аудит хизмати бошлиғи

Ж.Уразов

Бухгалтерия ҳисоби  
ва ҳисоботи бошқармаси

К.Тошов

Ташкилий-назорат ва  
Таҳлил бошқармаси бошлиғи

Ш.Холматов

Бош юрисконсулт

Ш.Ходжаев

**Коммисия котиби:**

Жамоатчилик билан алоқалар  
бўлими бош мутахассиси

Л.Худоёров

*Изоҳ: Комиссия таркибидаги ходимнинг лавозими ўзгарганда, унинг вазифаси ушбу  
ходим ўрнига тайинланган ходим зиммасига юкланади.*

Фармацевтика тармоғини  
ривожлантириш агентлигининг  
2022 йил “24” апрелдаги  
“43” сон буйруғига 2-илова

**Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларининг  
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузурида  
аккредитация қилиш бўйича буюртманомалари ва тақдим этилган  
ҳужжатларини ўрганиш бўйича  
ЭКСПЕРТ ГУРУҲИ**

**Эксперт гуруҳи бошлиғи:**

Қ.Бегматова

Ахборот сиёсати масалалари  
бўйича директорнинг  
маслаҳатчиси

**Эксперт гуруҳи аъзолари:**

Т.Рахметов

Кадрлар бўйича бош мутахассис

Ж.Уразов

Комплаенс, молиявий назорат  
ва ички аудит хизмати

Л.Худоёров

Жамоатчилик билан алоқалар  
бўлими бош мутахассиси

*Изоҳ: Комиссия таркибидаги ходимнинг лавозими ўзгарганда, унинг вазифаси ушбу  
ходим ўрнига тайинланган ходим зиммасига юкланади.*



Фармацевтика тармоғини  
ривожлантириш агентлигининг  
2022 йил “29” апрелдаги  
“73” сон буйруғига 3-илова

## **Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакиллари Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузурида аккредитация қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ўз вақтида ва ҳолисона ёритиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакиллари Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузурида аккредитация қилинади.

Оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган вакиллари (кейинги ўринларда «мухбирлар» деб аталади) ҳуқуқий мақоми ва касб фаолияти принциплари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 23 ноябрдаги 243-сонли қарори ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакиллари Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузурида аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги Низоми билан белгиланади.

### **Асосий тушунчалар**

**мухбир** — меҳнат шартномалари ва бошқа шартномавий муносабатлар асосида оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун хабарлар ва материалларни қидириш, тўплаш, қайта ишлаш ва тайёрлаш касби билан шуғулланадиган жисмоний шахс;

**аккредитация** — мухбирнинг ваколатларини Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан эътироф этиш тартиботи бўлиб, унинг натижаларига кўра Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш учун оммавий ахборот воситаси (кейинги ўринларда «таҳририят» деб аталади) вакилининг ўз соҳасини билишини тасдиқловчи аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳномани беради;

### **Аккредитация қилишнинг асосий принциплари**

Аккредитация уни ўтказишга жалб этилган мутахассисларнинг ўз ишини пухта билиши ва мухбирларнинг мустақиллиги принципларига асосланади.

Мухбирнинг аккредитация қилинишида унинг ўз ишини пухта билишини аниқлаш мезони Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва оммавий ахборот воситалари вакили фаолиятининг ўзига ҳослиги ҳисобга олинган ҳолда, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг норматив ҳужжатлари билан белгиланади.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузурида ўз мухбирини аккредитация қилиш ҳуқуқига расмий равишда рўйхатдан ўтказилган оммавий ахборот воситалари эгадир.

### **Мухбирларни аккредитация қилиш**

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузурида оммавий ахборот воситаси мухбирини аккредитация қилиш учун таҳририят ўзининг расмий бланкасида бош муҳаррирининг имзоси қўйилган, муҳр билан тасдиқланган буюртманома тақдим этади.

Таҳририятнинг буюртманомасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:  
оммавий ахборот воситасининг номи ва тури;  
ихтисослашуви;



тарқалиш худуди;  
электрон почта манзили;  
таҳририятнинг телефонлари ва факслари рақамлари;  
аккредитацияга тақдим этилган мухбирнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;  
касб вазифаларини бажариш учун ушбу мухбир ўзи билан бирга олиб юриши зарур бўлган аппаратлар.

Буюртманомага батафсил маълумотлар (мухбирнинг хизмат мавқеи, паспортига оид маълумотлар, дипломи нусхаси, электрон почта манзили, телефон ва факс рақами) мавжуд бўлган маълумотнома ҳамда белгиланган шаклдаги тўртта фотосурат илова қилинади.

Мухбирни аккредитация қилиш тўғрисидаги буюртманома Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тегишли мурожаат олинган кундан бошлаб белгиланган муддат мобайнида кўриб чиқилади.

Аккредитация қилинадиган мухбирлар сони таҳририят томонидан Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда белгиланади.

Аккредитация тартиботи куйидаги асосий тадбирлардан иборат бўлади:  
буюртманомани ва тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш;  
мухбирларни аттестациядан ўтказиш;  
аккредитация қилиш тўғрисида ёки аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш ва бериш.

Оммавий ахборот воситаси таҳририяти томонидан тақдим этилган буюртманомалар ва ҳужжатларни кўриб чиқишни Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими амалга оширади. Ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари ариза тушган пайдан бошлаб ўн кун муддатда мазкур бўлим хулосаси билан расмийлаштирилади.

Аттестацияни аккредитация қилувчи орган томонидан расмий равишда тузиладиган комиссия ўтказиши. Аттестацияни ўтказиш муддатлари таҳририят билан келишилиши керак. Таҳририят комиссиянинг айрим аъзолари иштирок этиши ва аттестация ўтказилиши муддатлари юзасидан эътироз сабабларини асослаган ҳолда таклиф билдиришга ҳақлидир.

Комиссия аттестацияни Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги тасдиқлаган дастурга мувофиқ ўтказиши. Мухбирнинг касбий сифатлари ва лаёқатини тавсифлаш бўйича тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими хулосаси, шунингдек экспертиза ва аттестация жараёнида олинган бошқа ахборотлар аттестация комиссиясининг қарор қабул қилиши учун асос ҳисобланади. Аттестация натижалари аттестация далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги аттестация далолатномасини кўриб чиқиш натижалари асосида мухбирни аккредитация қилиш ёки аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Оммавий ахборот воситалари мухбирларини аккредитация қилиш тўғрисидаги буюртманома мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схемага биноан кўриб чиқилади.

Ижобий қарор чиқарилган тақдирда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги қарор қабул қилингандан кейин бир ҳафта муддатда мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаси мухбирини аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштиради ва беради.

Аккредитация қилувчи орган аккредитация қилинган мухбирга 2 йилгача муддатда амал қиладиган аккредитация тўғрисида гувоҳнома беради.

Аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳнома Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги реестрида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб амал қилади.

Аккредитацияга тааллуқли барча ҳужжатлар (буюртманомалар, қарорлар, далолатномалар, аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳнома ва шу қабила) давлат тилида расмийлаштирилади.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари ёки мазкур Низом асосида журналистни аккредитация қилишни рад этиши мумкин. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги бундай қарорнинг сабаблари тўғрисида уч кун муддатда оммавий ахборот воситаси таҳририятини ёзма шаклда хабардор қилади.



Зарур ҳолларда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузурида вақтинчалик ёхуд доимий мухбирлик пунктлари ташкил этилиши мумкин.

### **Аккредитация қилинган мухбирларнинг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Аккредитация қилинган мухбирлар касб фаолияти даврида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни бажарадилар.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги аккредитация қилинган мухбирни мажлислар, кенгашлар ва бошқа тадбирлар тўғрисида олдиндан хабардор қилади, стенограммалар, протоколлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминлайди.

Аккредитация мухбирнинг расмий шахслар ташрифлари давридаги тадбирларда бевосита қатнашишини кафолатламайди. Ўзбекистон Республикасининг ёки хорижий давлатларнинг расмий шахслари ташрифлари вақтида мухбирларни махсус аккредитация қилиш тартиби қонун ҳужжатлари, шунингдек ушбу тадбирни тайёрлаш ва ўтказиш учун масъул хизматлар талабларига биноан белгиланади.

Аккредитация қилинган мухбир қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бўлажак мажлислар, кенгашлар ва бошқа тадбирлар тўғрисида олдиндан ахборот олиш;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги бинolari (хоналари) ва объектларига тегишли гувоҳнома (рухсатнома) асосида, ушбу орган томонидан белгиланган тартибда кириш;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан ўтказиладиган мажлислар, йиғилишлар, брифинглар (матбуот конференциялари) ва бошқа тадбирларда қатнашиш, ёпиқ тадбир ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган ҳоллар бундан мустасно;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг масъул шахсларидан зарур ҳужжатлар ва материалларни сўраш ва олиш, кириш эркин бўлган тадбирларнинг ёзувлари билан танишиш ва улардан нусха олиш;

ёзувлардан, матнли материаллар тайёрлашда, аккредитация қилинган оммавий ахборот воситаларининг теле-, радиодастурларида фойдаланиш;

аудио-, видео- ёки киносуратга олиш, овоз ёзиш учун зарур бўлган техник аппаратлардан, шунингдек компьютер техникаси воситаларидан фақат Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ёритиш мақсадларида фойдаланиш.

Аккредитация қилинган мухбир қуйидагиларга мажбур:

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги биносида бўлишда унинг ички тартиб-қоидаларига ва ишларини ташкил этиш талабларига риоя қилиш;

ўзи иштирок этаётган тадбирларнинг ўтказилишига аралашмаслик (агар тадбир матбуот учун махсус ташкил этилмаган бўлса);

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолияти тўғрисида ҳолисона ахборот бериш;

махсус тадбирларни ўтказиш қоидаларига риоя қилиш;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа талабларни бажариш.

### **Мухбирнинг аккредитациясини тўхтатиш ва уни аккредитациядан маҳрум қилиш тартиби**

Қуйидагилар аккредитациянинг тўхтатилиши учун асос ҳисобланади:

мухбирнинг таҳририятдан ишдан бўшатилиши (ушбу ҳолда таҳририят бошқа вакилни аккредитация қилиш тўғрисидаги ариза билан Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига мурожаат қилишга ҳақлидир);

мухбир вакили бўлган оммавий ахборот воситаси фаолиятининг тўхтатилиши;

таҳририят раҳбарияти томонидан мухбирни Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ёритишдан четлатиш тўғрисида қарор қабул қилиниши (расмий билдиришнома асосида).



Мухбир:

Ўзи таклиф этилган тадбирлар ўтказилиши тартибига аралашганда; амалдаги қонун ҳужжатларини ва мазкур Низомни мунтазам равишда бузганда аккредитациядан маҳрум этилиши мумкин.

Мухбирни аккредитациядан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан қабул қилинади. Қарор асосланган, ёзма шаклда расмийлаштирилган, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан далилланган бўлиши керак.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги аккредитациядан маҳрум қилинган мухбирнинг таҳририятига қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб беш кун муддатдан кечикмай расмий билдиришнома юборади. Бундай қарор кучга кирган вақтдан бошлаб аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва у таҳририят томонидан аккредитация қилган органга қайтарилиши керак.

### **Янги муддатга аккредитация қилиш**

Аккредитация қилинган мухбирни янги муддатга аккредитация қилиш аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагандан кейин таҳририят томонидан тақдим этилган буюртманомга асосида ўтказилади.

Таҳририят Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин буюртманомга бериши керак.

Янги муддатга аккредитация қилиш аккредитация қилинган мухбирнинг олдинги аккредитацияси давридаги бенуксон фаолиятини ҳисобга олган ҳолда содалаштирилган тартибот бўйича амалга оширилиши мумкин.

### **Техник ходимлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар**

Таржимонлар, телеоператорлар, фотомухбирлар, теле-, кино- ва видеоаппаратларга, алоқа воситаларига хизмат кўрсатувчи мутахассислар таҳририятнинг мухбирларга бириктирилган техник ходимлари бўлиши мумкин.

Аккредитация қилинган мухбирлар техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ишга ёллаши мумкин.

Жалб этиладиган техник ходимларнинг шахсий таркиби Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан келишилади. Уларга ўз фаолиятини амалга оширишлари учун Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тегишли гувоҳнома берилади.

Аккредитация қилинган мухбирнинг техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига журналистлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланади.


### **Яқунловчи қоидалар**

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги аккредитацияни амалга ошириш тартиби билан боғлиқ низоли масалалар пайдо бўлган тақдирда манфаатдор томон қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар юзасидан судга шикоят қилиши мумкин.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари мазкур Низом ҳамда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши учун жавоб берадилар.



Ўзбекистон Республикаси оммавий  
 ахборот воситалари вакилларини  
 Фармацевтика тармоғини  
 ривожлантириш агентлиги ҳузурида  
 аккредитация қилиш тартиби  
 тўғрисида низомга 1-илова





Ўзбекистон Республикаси оммавий  
ахборот воситалари вакилларини  
Фармацевтика тармоғини  
ривожлантириш агентлиги ҳузурида  
аккредитация қилиш тартиби  
тўғрисида низомга 2-илова



\_\_\_\_\_

(аккредитация қилишган органнинг номи)

Мухбирни давлат ҳокимияти органи ҳузурида  
аккредитация қилиш тўғрисида  
ГУВОҲНОМА

№ \_\_\_\_\_  
Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(аккредитация қилинган мухбир)

Номи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(оммавий ахборот воситаси)

Тарқатиш шакли \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(газета, журнал ва бошқалар)

Тил (лар)и \_\_\_\_\_

Муассис (лар)и \_\_\_\_\_

Ихтисослашуви \_\_\_\_\_

Тахририят манзили \_\_\_\_\_

Тарқатиш ҳудуди \_\_\_\_\_

Берилган санаси \_\_\_\_\_

**Аккредитация қилувчи  
органнинг раҳбари** \_\_\_\_\_

Ушбу гувоҳнома «Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ берилган.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг бўзилиши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий, маъмурий, интизомий жавобгарликка ва бошқа жавобгарликка олиб келади.